Куч — адолатда

# Адолат

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 йил 18 апрель

15 (406)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи А.Юлбарисов тўғрисида

***Шу йилнинг 9 апрель куни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида қуролланган жиноятчини қўлга олиш пайтида оғир яраланиб, олган жароҳати натижасида вафот этган вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Абдикарим Юлбарисовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:***

1. Ўз хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Юлбарисов Абдикарим (марҳум) II даражали "Шон-шараф" ордени билан мукофотлансин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги (У.Мирзақулов) милиция полковниги А.Юлбарисов туғилиб ўсган Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғидаги Хумсон маҳалласи фуқароларининг мурожаатини инобатга олиб, ушбу маҳаллани унинг номи билан аташ масаласини кўриб чиқсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 апрель.

## ДЕҲҚОН ДАЛАГА ЧИҚДИ



**Мана кунлар исиб, деҳқон баҳори бошланди. Республикамизнинг бепоён далаларида кўчат экиш, ерга барака уруғи қадаш, ғалла майсаларини парваришлаш кун сайин авж олдирилмоқда. Наманган вилоятининг Уйчи тумани миришкорлари бу йил мўл, сифатли, эртаки пахта етиштириш, баракали ғалла хирмони уйиш учун астойдил курашмоқдалар.**

**Туманда А. Мўминов номли ширкат хўжалиги ҳар бир соҳада юксак натижаларга эришиш билан донг таратган. Заршунослар жорий йилда 370 гектар ерда ғўза ўстиришмоқчи. Шу майдонларнинг 200 гектарида чигитни плёнка остига экишади. Ғаллакорлар эса 254 гектардаги ғаллазордан ўртача 56,4 центнердан дон ҳосили олишни кўзлашяпти.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Ғалла майдонлари. 2. Илғор механизатор Жалолиддин Дадақўзиев. 3. Плёнка остига чигит экилмоқда.**

**Турғунбой МАҲКАМОВ олган суратлар.**





*● Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси олдидан*

## «ОРТТИРГАН ТАЖРИБАМИЗ ҚЎЛ КЕЛАДИ»

***Олий Мажлиснинг XI сессияси очилишига саноқли кунлар қолди. Шу кунларда парламентнинг барча қўмита ва комиссияларида унга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Хўш, партияларнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияларида нима гап? Улар бўлажак сессияга қандай тайёргарлик кўришмоқда?***

***Мухбиримизнинг Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг парламентдаги депутатлар фракцияси раиси Турғунпўлат ДАМИНОВ билан суҳбатида ана шу саволларга жавоб изланди.***



**– Турғунпўлат ака, Сизнингча партиянгиз фракцияси парламент сессияси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларига муқобил дастур ва лойиҳа таклиф эта оладими?**

– Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси кўриб чиқиладиган масалалар жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этади. Навбатдаги сессия ҳам бундан истисно эмас. Хабарингиз бор, парламентимизнинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида масала, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари каби бир қанча муҳим масалалар киритилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сессия кун тартиби лойиҳаси Олий Мажлис Кенгашининг йиғилишида муҳокама этилиб, тасдиқланган. Йиғилишда барча фракция ва блок раҳбарлари иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Шунинг учун кун тартиби лойиҳаси бизнинг фракциямиз томонидан маъқулланган, десак бўлади. Ҳозирги пайтда фракция аъзолари сессия муҳокамасига қўйилган қонун ва қарор лойиҳаларини кўриб чиқаяптилар. Ҳар бир фракция аъзосидан лойиҳалар бўйича келаётган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, фракциянинг у ёки бу масала юзасидан таклифлари тегишли қўмитага белгиланган тартибда юборилмоқда. Сессиядан олдин фракция йиғилишида барча масалалар юзасидан «Адолат» СДП депутатлар фракциясининг ягона нуқтаи назари ишлаб чиқилади ҳамда сўзга чиқувчи депутатлар белгиланади. Ўйлайманки, фракциямиз аъзолари парламентимиз ўн биринчи сессияси самарали ўтишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**– Фракциянгизнинг икки сессия оралиғидаги фаолияти давомида кўпчилик эътиборини тортган қай бир иши хусусида алоҳида тўхталишни мақбул деб биласиз?**

– Маълумки, давлатимизда ижтимоий муҳофазага йўналтирилган сиёсат юритилмоқда. Бу йил Юртбошимиз ташаббуси билан «Обод маҳалла йили», деб эълон қилинган. Шунинг учун партиямиз аъзолари маҳалла институтини ривожлантириш, оқсоқолларимизнинг маҳалладаги обрўсини юксалтириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш борасида амалга ошираётган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Вилоятларда партия ташкилотларимиз бу борада кенг кўламли ишлар олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Конрад Аденауэр номидаги фонд билан партиямизнинг алоқалари тобора ривожланиб келмоқда. Жумладан, шу йил январь ойида ушбу фонд ва сиёсий партиялар иштирокида «Ўзбекистон сиёсий партиялар истиқболи» мавзуида давра суҳбати ўтказилиб, унда нафақат партия аъзолари, балки фракция аъзолари ҳам фаол иштирок этдилар. Анжуман якунида Конрад Аденауэр номидаги фонд ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўртасида «Ҳамкорлик қилишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги битим имзоланди. Унга кўра, «Адолат» СДП ва Германия социал-демократик партияси ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, парламент аъзоларининг ўзаро тажриба алмашиш, икки палатали парламент тизимига ўтиш масалалари юзасидан мамлакатимиз турли вилоятларида семинарлар ўтказиш назарда тутилган. Ўйлайманки, бу битим доирасида партиямизнинг мазкур фонд билан ҳамкорлиги янада ривож топади.

**– Сиз матбуот орқали чиқишларингизнинг бирида «Адолат» газетасида эълон қилинган мақолалар ва унинг натижаларини партиянинг асосий иши, вазифаси сифатида баҳолаган эдингиз. Айтингчи, Сиз ҳозир ҳам ана шу фикрдамисиз?**

– Ҳақиқатан ҳам, мен партиямиз газетаси фаолиятига худди шундай баҳо берган эдим. Негаки, «Адолат» газетаси асосий нашримиз сифатида партиямизнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, амалга ошираётган ибратли ишлари, партия фаолиятида учраб турадиган камчилик-нуқсонлар ҳақида тегишли материаллар бериб, шу орқали нафақат партия аъзоларини, балки бутун жамоатчиликни партия фаолиятидан хабардор қилиб турибди. Шу билан бирга, у ижтимоий-сиёсий газета ҳисобланганлиги сабабли, унинг ўз нуқтаи назари, позицияси ҳам бўлиши табиий. Чунки газетамизда «Адолат» партияси ҳаётига доир материаллардан ташқари фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатни қарор топшириш, қонун устуворлигини таъминлашга тааллуқли масалалар ҳам кенг ёритилади.

**– Биласиз, бўлажак сайловларда рақобат ҳар доимгидан-да кучли бўлиши кутилмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозирги партиялар биз ўйлаган даражага кўтарила олмаяпти. Шундай бир шароитда бўлажак сайловда партиянгиз ҳеч бўлмаганда парламентдаги ҳозирги 11 ўринни сақлаб қола олишига ишонасизми?**

– Саволингиз учун раҳмат. Биласизми, кутилаётган рақобат бизга хавотир эмас, балки масъулият юклайди. Ёдингизда бўлса, Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Президентимиз мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берган эдилар. Шунингдек, сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бу бежиз эмас эди. Чунки, бўлажак парламент сайлови илгариги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Нима учун? Аввало, парламентимиз икки палатали тизимга ўтиши муносабати билан партиялараро рақобат янада кескинлашади. Шунингдек, сиёсий партиялар нафақат парламентнинг Қонунчилик палатасида, балки маҳаллий давлат ҳокимият вакиллик органларида ҳам кўпроқ ўринлар олиш учун кураш олиб борадилар. Ҳар бир сиёсий партия депутатликка номзод кўрсатишда парламентнинг профессионаллиги нуқтаи назаридан ёндашишига тўғри келади.

Модомики, шундай экан, ҳар бир сиёсий партиянинг бўлажак синовларда масъуллиги ҳар қачонгидан ҳам ошиши табиий. Ўйлайманки, бизнинг партиямиз илгариги сайловда орттирган тажрибаси бўлажак парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловда қўл келади. Тўғри, буни вақт кўрсатади. Лекин мен партия раҳбари сифатида бўлажак сайловларда олдингидан-да юқорироқ натижа кўрсатишимизга қатъий ишонаман. Нега деганда, ҳозир «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаяпти. Қолаверса, партиямиз сафлари ҳам кенгайиб бормоқда. Агар 1995 йилда партиямиз аъзоларининг сони беш мингдан сал кўпроқ бўлган бўлса, ҳозирги пайтда партиядошларимиз сони қирқ мингдан зиёддир. Бундан ташқари, «Адолат» партияси аъзоси бўлиш истагини билдирганлар ҳам кўпаймоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат САНАЕВ**
**суҳбатлашди.**
**(«Халқ сўзи» 2003 йил, 15 апрель).**

***«Зарафшон-Нюмонт» Америка-Ўзбекистон қўшма корхонаси Американинг хусусий кўнгилли ташкилоти «Projekt HOPE» билан ҳамкорликда Тошкентга 6 миллион доллардан зиёд инсонпарварлик ёрдами келтирилди. Булар дори-дармонлар ва тиббий анжомларидан иборат. Инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими Соғлиқни сақлаш вазирлигида бугун бўлиб ўтади. Маросимда АҚШ элчиси Жон Хёрбст, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров ва АҚШ ҳукумати ҳамда мамлакатимизнинг бошқа расмий кишилари қатнашади.***

## АҚШНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Зарафшон-Нюмонт ресурслар бўйича давлат қўмитаси, Навоий тоғ-металлургия комбинати томонидан таъсис этилган қўшма корхона ҳисобланади.

Ушбу инсонпарварлик ёрдами АҚШ, «Зарафшон-Нюмонт» қўшма корхонаси ва «ХОУП» лойиҳасининг аҳоли саломатлигини сақлаш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлигига кўрсатаётган давомий ёрдамидир. Ижтимоий тараққиёт дастури доирасида «Зарафшон-Нюмонт», «ХОУП» лойиҳаси ва АҚШ давлат департаменти томонидан келтирилган тиббий юкларнинг жами қиймати 33,5 миллион долларни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш тизими ривожига кўмаклашиш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш АҚШнинг Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашида яққол намоён бўлаётир.

*Ҳазина яратаётганлар*

## ЗЕБО ЮРТНИНГ ЭГАСИ

***Ўрмонлар юртимиз кўрки. Унинг жилваю-мафтункорлигидан завқланмаган ким бор? Зотан она-диёримиз аҳолиси ана шундай ҳусни зебо юртнинг эгаси. Шуни ифтихор билан айтиш мумкинки, юртимиз кишиларининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз замини тобора яшил масканларга бурканиб бормоқда. Она табиат қучоғида қад ростлаган обод дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари фикримизга мисол. Улар минг-минглаб кишиларимизнинг соғлигини тиклашга, мароқли ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилиб келмоқда.***

Узун ўрмон хўжалиги ҳам шундай: Республикамиз ўрмонлари орасида ўзига хос мавқега эга жамоалардан бири ҳисобланади. Унинг яқин ўтмишдаги тарихига назар ташлаб айтадиган бўлсак, барча соҳалар бўйича ижобий натижаларга эришиб, анча йиллар мобайнида тармоқ хўжаликлари ичида биринчиликни қўлдан бермай келмоқда.

Тоғ арчаларининг хосиятли томонлари бир дунё! Ота-боболаримизнинг ривоят қилиб айтишларича тоғ арчаси минг йил умр кўрар экан. Табиатшуносларнинг фикрига назар ташлайдиган бўлсак, бир гектар майдондаги тоғ арчаси йил давомида 70 тоннадан ортиқ заҳарли газ ва чангларни ютиб, экологик муҳитни соғломлаштиради. Тоғ арчасининг ҳиди ёқимли, хушбўй ҳид таратади. Сурхондарёликлар тансиқ таомлар тайёрлашда унинг япроқларидан фойдаланишади. У таомни таъмига файз киритади.

Тоғ арчалари қояларда тўп-тўп бўлиб ўсади. Ҳар бир тупда 8 тадан тортиб 15 донагача арчалар бор. Шундай баланд бўйли сервиқор арча дарахтлари борки қучоғингизга сиғмайди. Она табиатимиздаги бундай манзарани кўриб, "Қандай гўзал юртимиз бор!"-дея ғурурланамиз. Чунки, бунга асослар бисёр.

Яқинда Узун ўрмон хўжалиги меҳнат жамоасида бўлганимизда бош ҳисобчи Абдусаттор Мирзаев, ҳисобчилар Абдусаттор Шералиев Тоштемир Мирзаев, Светлана Хван, ўрмон муҳандиси Дониёр Хўжамқулов, Тоҳиржон Ойматовларнинг йил сарҳисоблари устидан чиқиб қолдик. Ҳисобчилар сардори Абдусаттор ака-хўжаликнинг йил давомида қўлга киритилган ютуқларини бирма-бир санай бошлади.

-197 нафар ишчи ва хизматчиларимиз меҳнати билан 3692600 сўмга кўчат сотилди. 2278000 сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. 4195000 сўмлик ёввойи доривор мевалар тайёрланди. Яйловлардан фойдаланганлик учун жамоа ширкат уюшмаларидан тушган тушум 5232000 сўмни ташкил қилади. Ҳисоблайверсам йил давомида олган соф фойдамиз 7820500 сўмга тўғри келди, - дейди Абдусаттор ака оппоқ қиров тушган сийрак сочларини илиқ кафти билан силаб.-Давлатимиз хазинасидан ишимизни юришиб кетиши мақсадида 21770000 сўм ажратилди. "Мадад-белга қувват", деган экан машойиҳлар.

Ютуқларнинг қулфи-калити ҳар бир жамоанинг ўз қўлида. Қолаверса намунали ташкилотчилигу, одамлар моддий манфаатдорлигида. Меҳнат жамоаси касаба уюшмаси раиси Бозорбой Назаровнинг таъкидлашига қараганда одамларнинг иш ҳақига 35515800 сўм, меҳнат таътили учун 3510000 сўм, узоқ йил ишлаганларга 480000 сўм, моддий ёрдамга 560000 сўм, 3579300 сўм мукофотга берилди. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ишчи ва хизматчилар ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган. Шунинг натижасида жамоа олдида раҳбарларнинг юзи ёруғ. Халқимизнинг "Меҳнатдан келса бойлик турмуш бўлур чиройлик", деганлари шу-да.

-Ўрмонларимиз ҳам бўйига, ҳам энига кенгаймоқда,— дейди А. Мирзаев. Шу мақсад йўлида 185 гектарда ёш ўрмонзорларни барпо қилдик. Ҳозир кўчатларга баҳорги ишлов бериш ишлари юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Жамоамизда 8 та бўлим мавжуд. 13 гектар ерни кўчатчиликка ихтисослаштирганмиз. Ҳозирги кунда бу ерда 24 турдаги 1004,8 минг дона мевали ва манзарали кўчатлар меҳр билан парвариш қилинмоқда.

Ўтган йили қиш эрта тушди. Декабрь ойининг илк кунлариданоқ қаттиқ қор ёғиб берди. Аёздан ёш ниҳолларимиз анча зарар кўрди.

-Ишчиларимиз меҳнатсевар. Ҳар бир ёш ниҳолга жонини тикишга тайёр. Юртини севадиган, меҳнатини қадрига борадиган одамларимиз бор экан, эл олдида юзимиз нурга йўғрилади. Ер чизиб, сира уялиб қолмаймиз,-дейди Узун ўрмон хўжалиги бошлиғи Алламурод Одилов.

Кўчатчилик ишларига 90 нафар киши жалб қилинган. Уларнинг қўлидан токқайчию, ер ағдариш белкураги, кетмон тушмайди. Кўчатлар орасида ишлов бераётган тракторнинг наъраси сокин далалар узра таралади.Ҳар бир иш участкасининг ўз эгаси бор. Жончекада Эргаш Шерматов, Юрчида Абдулла Боймуродов, Ҳамро Жўраев етакчилик қилаётган бригада ерларидаги кўчатлар гуркираб ривожланмоқда. Участка бошлиғи Азамат Маҳмудов эса кўчатчиларга бош-қош.

Узун ўрмон хўжалиги қардош Тожикистон Республикаси тоғ ҳудудидан бошланиб Ҳисор тоғ тизмалари бўйлаб Қашқадарё вилояти ҳудудларигача бўлган кенгликларга туташиб кетган. Нурулло Нарзуллаев, Нажмиддин Қосимов, Тошболта Мирзаев, Башорат Исматуллаев, Шоҳмамат Мирзабадалов сингари ўрмончиларнинг куч-ғайрати билан ўрмон хўжалигига янада файз кирмоқда.

**Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**

*● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида*

## МЕҲР-МУРУВВАТ ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ БЎЛСИН

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

***Йиғилишда "Меҳрибонлик уй"лари, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар махсус муассасаларида таълим , соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ҳақидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, уларга таълим-тарбия беришнинг аҳволи муҳокама қилинди.***

Вазирлар Маҳкамасининг 360-сонли Қароридан келиб чиқиб, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида комиссиялар фаолияти ўрганилганда "Меҳрибонлик уйи" ва махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган вояга етмаганларнинг шароитларини яхшилаш борасида муайян ижобий ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Андижон шаҳридаги ёшларни соғломлаштириш мақсадида "Шерзод" спорт клуби ташкил этилиб, ушбу клубга бугунги кунда 500 нафардан ортиқ вояга етмаганлар, шу жумладан, 60 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари жалб этилган.

Тарбияси оғир, профилактик ҳисобда турган болаларни касбга йўналтириш ҳамда спорт билан шуғулланишини таъминлаш борасида фан ва спорт тўгаракларига жалб қилиш учун шаҳар ва туманларда "Ёшлар Марказ"лари ташкил этилган.

Хўжаобод туманида ногирон болаларнинг ижтимоий кўникмасини шакллантириш мақсадларида "Ногирон болалар Маркази" ташкил этилиб, уларга таълим бериш ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Наманган вилоятида ота-онасиз қолган ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг 108 минг нафарига бепул дарсликлар, 15 минг нафарига ўқув фонди ҳисобидан кийим-бош берилган.

Вилоятдаги етим ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг ҳар бирига халқ таълими бошқармасининг "Мураббий" жамғармаси ҳисобидан омонат дафтарчалари очилган.

"Меҳрибонлик уйи" ва махсус мактаб-интернатлари, барча шаҳар, туман халқ таълими бўлимларида "Гиёҳвандликни олдини олиш Марказлари" ташкил этилиб, уларга телевизор, видеомагнитофон ва вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида тайёрланган ҳуқуқий-маърифий мавзулардаги видеофильмлар ҳамда плакатлар тўплами берилган.

Вилоятда жорий ва капитал таъмирлашга муҳтож бўлган 14 та мактаб таъмирдан чиқарилган. Ушбу мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш учун жами 300 миллион сўм маблағ сарфланиб, уларда ҳуқуқий хоналар ташкил этилиб, тегишли адабиётлар билан таъминланган.

Фарғона вилоятида вояга етмаганларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш борасида Марғилон шаҳар Марказий истироҳат боғида жойлашган болалар спорт зали 5 миллион сўмга қайта таъмирланиб, ўқувчиларни ушбу спорт мажмуасига кенг жалб қилиш, турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Учкўприк туманидаги барча мактабларда "Маънавият ва маърифат" хоналари ва музейлар ташкил қилиниб, юрт тарихига оид буюмлар, ўқувчилар томонидан тайёрланган экспонатлар билан жиҳозланган.

Ёз ойларида кам таъминланган оила фарзандлари учун дам олиш оромгоҳларида 500 нафар вояга етмаганларнинг соғломтирилиши мўлжалланмоқда.

Шу билан биргаликда, болалар махсус тарбия муассасаларини моддий-техник жиҳатдан таъминлашда жиддий камчиликлар ҳам учрамоқда.

Ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва тегишли муассасаларга жойлаштириш ҳамда уларга таълим-тарбия беришда қонун бузилиши ҳолларига барҳам берилмаган.

Жойлардаги комиссиялар томонидан мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган.

Йиғилишда бу борада йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида сўз бориб, комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгиланди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

*Партия ҳаёти*

## РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

***16 апрель куни Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Партия Сиёсий Кенгаши котиблари, Олий Мажлис депутатлари, Сиёсий Кенгаш аъзолари, вилоят партия Кенгашлари котиблари ҳамда партия фаоллари иштирок этган бу йиғилишни партия Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, партиянинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси раҳбари, академик Турғунпўлат Даминов бошқарди.***

Йиғилиш кун тартибида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракциясининг парламентнинг бўлажак сессиясига кўраётган тайёргарлиги ва партия Сиёсий Кенгашининг навбатдаги пленумини ўтказиш масалалари кўриб чиқилди. Биринчи масала бўйича партиянинг парламентдаги депутатлар фракциясининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси олдидан амалга ошираётган ишлари, шунингдек, сессияга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида фикр юритилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг котиби Омон Олимжонов "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди ва Раёсат аъзоларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудов, Сиёсий Кенгаш котиби Равшан Ҳайдаров, Сиёсий Кенгаши аъзоси, ЎзФА Математика институти директори, академик Тўхтамурод Жўраев, Тошкент вилояти партия Кенгашининг биринчи котиби Турғун Иргашев, партиянинг Ёшлар Кенгаши раиси Низомиддин Нурматов, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани партия Кенгаши биринчи котиби Турсуной Салимова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Раёсатнинг кенгайтирилган йиғилишида партия ҳаётига доир бошқа муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Рустам ДОСТОН,**
**"Адолат" мухбири.**

